



“ҚУМОВУЛНИ КЎРИНГ,  
ҲАВАС ҚИЛИНГ!”

Замира БЕГИМҚУЛОВА:  
АЁЛ — ОИЛА КЎПРИГИ



АЖРАШМОҚЧИ  
ЭМАСМАН, ЛЕКИН...



СЎЗЛАШУВ  
ОДОБИНИ  
БИЛАСИЗМИ?

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Оқил ҒУЛОМОВ  
(ЎзА) сурат-лавҳаси

Янгийўл туманидаги “Топил қизи Туймажон” фермер хўжалиги раиси Фозил ака Рихсибоев саратон ва сунбула орасидаги асад ойида ғўза шонаси гулга, гул кўсакка, кўсак эса тўлишиб, лўппи пахтага айланаётганидан ўзгача завқ туюди. Боси, пахта кун санаяпти. Ғалла ўриб-янчиб бўлинди. Режа ортиғи билан бажарилди. Энди бугдойдан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва кейинги ҳосилга тайёрлаш керак. Пишиб етилган тарвуз, сабзи ҳамда бошқа мавсумий экинларни ўз вақтида йиғиштириб олишни-ку, айтмаса ҳам бўлаверади.

Фозил ака умр йўлдоши Санобар опа билан уч ўғил, уч қизни

камолга етказди. Жамиятимизда ҳаммасининг ўз ўрни бор. Бир этак набиралар эса мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим даргоҳларида таҳсил олмоқда. Деҳқон атайин вақт топиб, набираларининг таълим-тарбияси билан эринмай, битта-битта қизиқади. Уқишлари, олган баҳоларини сўрайди. Кундалик дафтарларини бирма-бир кўздан кечириб, “ота-оналар имзоси” деган жойига ўзи қўл қўяди. Набираларини рағбатлантиришини ҳам унутмайди. Шунданми, Ниёзбош қишлоғида бу хонадонга ҳавас қилади-ганлар кўп. Ҳовли катта, чорва ҳам, гул ҳам, боғ ҳам бор. Томорқадан бир мавсумда камида тўрт марта ҳосил олинади.

# МЕХРДАН НУР ОЛГАН НУРОНИЙЛАР

...Укаси  
Маматкулнинг  
ташрифидан Тур-  
сунтош момонинг  
боши осмонга  
етди. Тўқсонни  
тўлдирган жигар-  
гўшасини маҳкам,  
бағрига босаркан,  
қулоқлари остига  
секингина шивир-  
лайди:



— Отажоним, меҳрибоним, омонмисиз? Қадамларингиздан ўзим ўргилай. Менгина ўлай, оёқларимдан айрилиб сизни йўқломай қолдим-а...

Ўз навбатида ука ҳам юз билан юзлашаётган опахонига меҳр билан эркаланди:

— Онажонимнинг ўрнига қолган ёдгорим, тинчмисиз? Қайта кўраётганимга беадад шукрлар бўлсин. Оёқларингизга Худойим яна қувват беради, ноумид бўлманг...

Бу ҳолатни ташқаридан кузатган одам опа-ука яқин орада дийдорлашмаганга ўхшайди, деб ўйлаши аниқ. Аммо улар бир-бирларини тез-тез йўқлашади. Қишлоқнинг у тарафидан бу тарафига кесиб ўтиладиган катта тош йўлдан жигарчилик меҳри нурдай оқиб туради гўё. Биргаликда кексайиб, пиру комил инсонларга айланган опа-уканинг ҳаёт йўлларига назар ташларкансиз, аввало МЕХР деган муборак туйғунинг омонлигига, дунёда борлигига имон келтирасиз. Оқибат, жигарчилик деган тушунчалар кўнглингизга мунавварлик олиб киради.

Турсунтош Ғозиева 1924 йилда таваллуд топган. Айни пайтда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Шодлик кишлоғида бир этак фарзандлари, неварачеваралари қуршовида кексалик гаштини сураятти. Онахон билан сўхбатлашсангиз, бахри дилингиз очилади, мозийга сафар қилиб, талотумли кунларнинг тасаввуридан маҳзун тортасиз.

— Бизнинг болагимизга сира ҳавас қилманлар, жоним болажонларим, — дейди онахон миҳжаларига ёш тўлиб. — Мактаб деганимиз “эшак” деб аталадиган тахтадан ясалган ўриндиқли молхонага ўхшаш уйча эди. Хат саводимиз чиқар-чиқмас, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, муаллимимиз урушга кетиб қолди. Шу билан тирикчилик,

дала юмушлари билан андармон бўлиб, савод чиқаришга уринмадим ҳам. Ўқишни роса яхши кўрадим, хижжалаб ўқишни, исм-шарифини ёзишни ўрганиб олган эканман, шунисиғаям шукр, газета, китоб ўқийман. Гапимга ишонмасангиз, мана шу газетани менга узатинг, ўқиб бераман.

Раҳматли эрим Мурод Иманов билан урушдан кейин, 1947 йилда тўйимиз бўлганди. Номига тўй деймиз-да, бир сидралик чит кўйлак, лозим, беш-ўн кишилик чоғроққина дастурхон. Ҳозиргидек ҳашаматли давралар ва нозу неъматлар қаёқда эди, дейсиз... Тўйимиз дабдабали, молу дунёимизга тоғдек бўлмасаям бир-биримизга хурматимиз, меҳримиз баланд эди. Чолим билан бирга 46 йил умр кечирдик. Бошимиз меҳнатдан чикмасди. Беш болали бўлсам ҳам оёғим даладан узилмади. Пахта ниш урганидан ўт чилиб, етилганида теримга чопардик. Уй-рўзгорнинг адоқсиз юмушлари, буғдой машоқ... Эҳ-е, бундай ишларнинг саного йўқ эди. Қайнотам раҳматли хўжаликда раис эди. Пилла боқиш ҳам менинг чекимга тушганди. Ҳар йили кўкланда 3-5 қути ипак қурти олиб, пилла етиштириб берадим. Қизларимни ёнимга олиб, урчуқ йигириб, шолча, гилам тўқирдик. Ҳамон невараларимга гилам тўқиб бераман. Бу гиламнинг фойдасини булар қаердан билсин! Жунли мато, билсангиз, қизим, саломатлик учун коти фойда-да. Келинлигимдаги пат гиламларимнинг ҳали охори тўқилмаган, роса чидамли бўлади-да, кўлаки гиламлар.

Сизга айтсам, болажоним, ҳозирги ёшларни кузатиб, бошимдан ўтган воқеа-ҳодисаларни айтгим келади-да. Кўрган кечирганларимиз уларга бир ҳаёт дарси мисол-да. Тўрт овсин бир ҳовли-

да яшаганмиз. Бир-биримиз билан опа-сингиллардек қадрдон эдик. Болаларимизнинг кир-чирларини ҳам қайси биримизга тўри келса, ювиб кетаверардик, бирга катта қозондан овқатларардик. Сеники-меники, деган гапларни билмаганмиз. Қайнона-қайнотамизнинг овозини эшитсак, дарров кўрпача солиб, обдастага сув хозирлардик. Суймаҳон, Махсуда овсинларимни Худойим раҳматига олсин, улар билан бирор марта санманга бормаганмиз. Ҳозир Саломат овсиним билан борди-келди қиламиз. Ҳаммамизнинг фарзандларимиз ували-жували, сердавлат.

Катталарнинг ахиллиги болаларга кўчар экан. Ҳозирги ёш келинларга насиҳатим, қайнона-қайнотага хурмат билан қаранг, иззатини жойига қўйинг, токи кексайганингизда роҳатини кўрасиз. Не-вара келинларимдан миннатдорман. Айниқса, Севарагинам атрофимда парвона, куну тун бошимда парвона, кам бўлмайди, насиб этса. Дуо олтиндан қиммат, болажоним. Тўрт ўғилнинг ичида ўсган ёлғизгина қизим Хосиятга ҳам шуни тайинлагандим, мана, худди ўзимдек катта оилада хурмат-иззатли она. Жигарчиликнинг меҳри бўлакча бўлади. Акамизнинг тўрт нафар боласи етим қолди. Умринг зиёда бўлгур Маматкул шуларни катта қилди, хунар ўргатди, ўқитди, уйли-жойли бўлишди. Мана шуларнинг мукофоти бўлса керак-да, Оллоҳим унга қўшқўллаб давлат берган — инсофли ўғил-қизларни ато қилган. Иккаламизнинг болаларимиз, неварачевараларимиз ва келинларимиз куёвлар йигилса, уч-тўртта қўй етмайди. Ҳовли-жойимиз бирпасда катта тўйхонага айланади...

Турсунтош она юз билан юзлашаётган бўлсалар-да, ҳамон хотираси бутун, руҳи тетик.

Опа-ука — Турсунтош момо ҳам Маматкул бобо ҳам хушчақчақ ва ниҳоятда сермулоҳазали, ўйлаб гапирадиган инсонлар сирасидан. Бировга асло ёмонлик қилмаган, аксинча, йиқилганни суяб турғизадиган, имкон борича хайру саховат қиладиган бу икки жигарнинг тимсолида ўзбек халқининг қиёфасини кўрасиз. Диёримизда эса бундай пиру комил кексаларимиз жуда кўп ва уларнинг жонахон юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги ва фарзандлар ҳақиқа қиладиган беминнат дуолари барчамаизга кўтаринки руҳ бағишлайди.

**Норинисо ҚОСИМОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Сирдарё вилояти.

## Семинар ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорлигида БМТнинг Аҳоли фонди кўмагида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни: ОАВда ёритилиши” мавзусида уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда хотин-қизларга ўз иқтидориди, тадбиркорлик салоҳиятини намойиш этишга кўмаклашиш, уларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутаётгани эътироф этилди.

— Марказимизга кўпчилик муаммоларига ечим ахтариб келишади. Бу масалалар баъзан оилавий, баъзан эса ишда юзага келган тушунмовчилик, зиддиятчи ҳолатларни ўз ичига қамраб олади. Оилавий келишмовчиликлар туфайли муружаат этган хотин-қизларнинг уйларига бориб, керак бўлса, маҳалла аҳлидан сўраб, яшаш муҳитини ўрганамиз. Бу албатта, ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Бугунги замонавий аёлларда ўта шижоаткорлик, ташаббускорлик, қобилиятлик, энцилик каби фазилатларни кўришимиз мумкин, — дейди фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Диловар Қобулова.

Уч кун давом этган семинарда аёллар ҳуқуқлари бўйича мамлакатимизда ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг моҳияти, ижтимоий ва иқтисодий тенглик масалаларига алоҳида тўхталиб, бунда тенглик ва камситилмаслик, оиладаги зиддиятлар ҳамда уларни бартараф этишни ОАВда ёритилиши юзасидан иштирокчилар ўртасида баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймастик, юртимизда аёллар имкониятларини кенгайтиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш, экологик тенглик масалалари ва бунда аёл саломатлиги билан атроф-муҳит чамбарчас боғлиқ бўлганлиги боис инсонлар онгида экология бўйича билимларни шакллантиришга оид мавзуларда қизиқарли маълумотлар ҳам бериб ўтилди.

**Ширинхон МЎМИНОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.

## ИБРАТ НАМУНАСИ

Тошкент вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вази-фалар ижросини таъминлаш мақсадида Зангиота тумани Назарбек қишлоқ фуқаролар йигинининг Қирғузлар маҳалласида “Меҳр муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр” шиори остида “Фарзандлик бурчим” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар узоқ йиллардан бери аҳил-иноқ яшаб келаётган, ўзининг фидокорона меҳна-

ти билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга салмоқли улуш қўшган ва ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари асосида муносиб фарзандларни тарбиялаган ота-оналарнинг ибратли ҳаёти ёшларга ўрнак эканини алоҳида таъкидладилар.

Айни пайтда вилоятда 105 нафар 100 ва ундан катта ёшдаги кексалар истиқомат қиладиган бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида вилоятнинг барча туманлари ва маҳаллаларида, Саховат ва

Мурувват уйларида “Аср билан дуосина-юз”, “Кексалар дуосини олайлик”, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариялар — хонадонимиз файзи” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда ва ҳудудда истиқомат қиладиган кекса отахон ва онахонларга эҳтиром кўрсатилмоқда.

Шунингдек, маъмур тадбир иштирокчилари маҳалланинг “Ораста қизлар” тўғараги аъзолари кекса

отахон ва онахонларнинг уйларидаги тозалик ва саранжомликни назоратга олгани, уларнинг ҳовлиларида ободонлаштириш ишлари олиб бораётгани ва айни пайтда, нуруний кексалар учун қизлар томонидан тансиқ таомлар тайёрланаётганига ғувоҳ бўлишди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва, “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев, Зангиота тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қиз-

## Жараён

лар кўмитаси раиси Диловар Мўминова, 60 йил бирага ҳаёт кечирган нуруний отахон Маҳмуд Мўҳсимов ва онахон Мушарраф Мўҳсимова, уларнинг оила аъзолари, Назарбек қишлоқ фуқаролар йигини фаоллари, “Ораста қизлар” тўғараги аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

**Насиба КУЛБЕКОВА,**  
Тошкент вилоят  
ҳокимлиги котибият  
мудир.

# “ҚУМОВУЛНИ КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ!”

дейишмоқда бутунлай янгича қиёфага эга бўлган  
гўша аҳли фахрланиб

...Оқшом. Болаларнинг қувноқ кулгуси, қичқириқлари тинмайди. “Шовқин қаердан келяпти?”, дейди онахон атрофга сергак қулоқ тугиб. “Кўшни маҳаллада чўмилиш ҳаваси ишга тушибди”, дея жавоб беради келин. Онахон мамнун жилмаяди: “Барака топгурлар, ёзинг аини чилласида жуда хайрли иш қилишибди-да”. “Нимасини айтасиз, бу атрофда болаларимизнинг чўмилиши учун шароит йўқ эди. Мана энди, невараларингиз ҳам маза қиладиган бўлишди”, дейди келин.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қумовул” қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги маҳаллаларда спорт соғломлаштириш мажмуалари, болалар ўйингоҳлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга тушгани ҳақидаги ана шундай хушхабарлар тез-тез қулоққа чалинади.

— Бу ердаги янгиланишлар ва бунёдкорликларни минг марта эшитгандан кўра, бир келиб кўрган яхши, — дейди “Қумовул” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайринисо Мирзахонова. — 25 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган худудимизда фаолият юритаётган етти та мактаб, битта қишлоқ врачлик пункти, битта вилоят тасарруфидоги шифохона, вилоят Маънавият-маърифат маскани қаторида эндиликда замонавий дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт соғломлаштириш масканлари ҳам ишга туширилди. Тошкент шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманини боғловчи Бектемир шоҳ кўчасида қад ростлаётган икки-уч қаватли замонавий бинолар маҳаллаларимиз кўрмига кўр қўшди. 2010-2015 йиллар оралиғида намунавий лойиҳалар асосида 600 дан ортиқ уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари замонавий биноларда жойлашган, компьютер технологиялари билан таъминланган.

Худудни айланарканмиз, хонадонлардаги ободлик ва фаровонлик эътиборимизни тортади. Томоркаларда сабзавот экинлари аини етилган палла. Ховлилардаги иссиқхоналарда лимон кўчатлари яшнаб турибди.

— Аҳолимиз асосан, деҳқончилик билан шуғулланади, — дейди Хайринисо опа. — Айниқса, “Нурафшон” лиқлар жуда миришкор. Декабрь ойида плёнка остига сабзи уруғи сепишади. Баҳорда аини шу далага маккажўхори ва дуккакли экинлар ҳам экишади. Қарабизки, бир жойда, бир вақтнинг ўзига уч хил ҳосил етилиб турибди-да... Меҳнатободликлар турли хил кўкатлар, тошқоқликлар редиска, ўчоқли маҳалласи аҳли эса қизил лавлаги экишининг ҳадисини олишган. Аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ёшларни, хотин-қизларни иш билан таъминлашда “Бектемир Нур”, “Абдулла Абдуҳолик”, “Меҳнат Нур”, “Саидазимов Саид-



аҳмад”, “Шаҳбозбек Аббосбек”, “Зиёвуддин Шаҳобиддин”, “Ниёзов Ўқтам” каби фермер хўжаликлари, Равшан Мирзааҳмедов, Равшан Фозилов, Одила Юсупова каби тadbиркорларимиз бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Худуддаги Хўжаовул маҳалласи аҳли ҳамжиҳатлиги, тотувлиги билан хурмат қозонган. Тўй-маъракалар, ҳашарларда нуруний отахон ва онахонлар маслаҳатига суянишади. Томорқадан унумли фойдаланиб, редиска, саримсоқпиёз каби экинлардан мўл ҳосил олишади. Деярли барча хонадонларда чорва мавжуд. Сут-қатиқ сероб.

— Маҳалламизда ҳаёт тажрибасига эга нуруний отахон ва онахонлар ёшларга нафақат ўғитлари, балки меҳнатқашлиги, аҳиллиги билан ҳам ўрнатиб бўлишмоқда, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Лаълихон Тангинова. — Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, эрта туғуқларнинг олдини олиш, аҳолини одам савдосидан ҳар лаҳза огоҳ этиш мақсадида маънавий-маърифий тadbирлар, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораёпмиз. Маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликда “Одам савдоси оғир жиноят”, “Ёлғон ваъдаларга алданиб қолманг”, “Одам савдоси — қуллик балоси” каби мавзуларда ўтказган тadbирларимизда ёшлар фаол иштирок этишмоқда.

Нуруний отахон ва онахонларимиз: “Астойдил меҳнат қилсанг, хориждан кўра ўзимизда кўпроқ пул топасан”, деб ёшларни касб-хунарга йўналтирмоқда, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик сирларини ўргатишмоқда. Шу боис ёшларимиз орасида “хориж орзуси” билан юрганлар деярли йўқ. Бу йил коллежларни битирган 21 ўғил-киз Тошкент шаҳри Бектемир тумани Бинозор шаҳарчасидаги корхоналарга ва “Миржалол агро” фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди.

Деҳқончилик билан оиласига фаровонлик олиб кираётган қумо-

вулик отахонлар ёшларни меҳнатга ўргатишда ҳам ибрат намунасини кўрсатиб келишмоқда.

— Узим узоқ йиллар ички ишлар идораларида ишлаб пенсияга чиққанман, — дейди худуддаги фаоллардан бири Аширрали ота Акбаров. — Ҳаётнинг кўп заҳматларини кўрдик. Мана бугун юртимиз тинч, ҳаётимиз обод. Худого шукур, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Ҳар йили икки-уч гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Баъзида турмуш ўртоғим — Тожихон аянгиз: “Сизга нима зарил, пенсия пулингиз бор, ўзингизни ўтга-чўққа уравермай, тинчгина яшасангиз-чи”, деб кўяди. “Биз бугун тинчимизни ўйласак, невараларни ким меҳнатга ўргатади? Ҳадемай буларнинг суяги қотса, ишга эгилмайдиган бўлиб қолмайми?” дейман... Болаларни ёнимизга олиб иш ўргатсак, мана шу тупроққа меҳри тушадику. Шуларни ўйлаб, ерга уруғ қадаيمان. Худого шукур, бир ўғил, уч қизни уйлаб-жойладик. Ўн тўрт неварамиз бор. Бир ишни бошласам, ҳаммаси енг шимариб ёрдамга келишади. Уйдаги юмушлардан ортаннимизда эса кўпчиликнинг иши учун жон койитсак, турмушимиз янада фаровон, кўчаларимиз обод бўлади. Невараларимизга янги иш ўринлари яратилади. Ахир, мана шу болаларимиз учун яшаб юрибмиз-ку!

Янгиҳаёт маҳалласида ҳам янгиланишлар кўп. 2997 киши истиқомат қиладиган худудда 2013-2014 йиллар оралиғида 95 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Тadbиркорларни бежизга элга мададкор, дейишмас экан, — дейди маҳалла раиси Рўзигул опа Қурбанова. — Уларнинг сазй-ҳаракати билан маҳалламиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Равшан Мирзааҳмедов замонавий дўконларни фойдаланишга топширган бўлса, Равшан Фозилов болалар учун истироҳат боғи қурилишини бошлаб юборган. Ҳақим ака Умархўжаев ташаббус билан қад ростлаган спорт соғломлаштириш мажмуаси ва чўмилиш ҳавасининг ишга туширилиши эса нафақат ма-

Эътироф

ҳалламиз аҳлини, балки кўшни маҳаллаларда истиқомат қиладиганларни ҳам беҳад қувонтирди. Ёшларимиз учун янги иш ўринлари кўпайди. Ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам таътил пайти бўш юрмай, иш ўрганапти. Хорижга ишлашга кетаётганлар сони ҳам камайиб бормоқда. Ҳозир ўн уч маҳалладошимиз чет элда ишлаяпти. Уларнинг оиласи билан сўхбатлар ўтказиб, қаерда, нима иш билан банд эканлиги ва саломатлиги ҳақида сўраб-суриштирамиз. Хориждан қайтгач, уч кун ичида тиббий кўриқдан ўтишини назорат қиламиз. Ёшларни одам савдоси ва диний экстремизмининг салбий таъсиридан сақлаш мақсадида Миллий тикланиш девонидан тadbирларимизда ҳам аҳолининг фаоллиги, ташаббускорлиги кўпроқ сезилапти.

“Навоий” маҳалласи пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш борасида олиб бориладиган маданий-маърифий ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Шу боис ҳам “Навоий” лиқлар яқинда “Энг намунали маҳалла” кўриқ-танловининг туман босқичида 3-ўринни кўлга киритишди.

— Маънавий-маърифий ишларда ёшу қари бирдек ҳамжиҳат, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Лутфинисо опа Саитова. — “Ораста қизлар” давраси қатнашчилари ўз тенгдошлари орасида миллий кадрятларимизни асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришса, келинларимиз, кайвониларимиз катталар ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб туришади.

Қураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Отабек Холматов ва Осиё чемпиони Сардор Холматов каби ёшларимизнинг муваффақиятлари эса фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишини оширмоқда.

— Кўриб турганимиздек, худудимизда янгиланишлар жуда кўп, — дейди Хайринисо опа. — Бу ўзгаришларда тadbиркорлар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ҳиссаси катта. Уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайли ўтган йили ҳашар йўли билан Намуна маҳалласида жойлашган қабристонни ободонлаштирдик. У ерга олиб борувчи бир километр уч юз метр йўлни асфальт қилдик. Бундан ташқари, қабристонга қираверишдаги 50-60 йил аввал қурилган икки хонали эски бинони бузиб, ўрнига беш хонали янги бино қурдирамиз. Бу ишда айниқса, Аширрали ака Акбаров каби нуруний отахонларимиз, саховатли тadbиркорларимиз бизга яқиндан кўмак бермоқда.

Бугунги Қумовулнинг нафақат ташқи қиёфасига, балки янгиланишларда ҳамжиҳатлик билан фаол қатнашаётган одамларининг турмуш тарзига, оилалардаги фаровонликка чин маънода ҳавас қилсак арзийди. Амалга оширилган бунёдкорликлар туфайли, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаёти кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Тошкент вилояти.

...Катта сахна. "Алпомиш" спектаклини томоша қилаётган қизалоқ актёрларнинг хатти-ҳаракати, сахнадаги ҳолатларга ҳайрат билан термулар, айтилаётган ғаройиб сўзларни берилиб тинларди. Театр уни ўзига тамоман маҳлиё этганди. Кейинчалик ана шу қизалоқ — Замира Бегимқулованинг тақдирини санъат йўлига туташди. "Опа-сингиллар", "Туташ тақдирлар" каби миллий телесериаллар ва бир қанча кўрсатувлар режиссёри сифатида томошабинлар кўнглидан жой олди.

**Замира БЕГИМҚУЛОВА,**  
режиссёр:

## АЁЛ — ОИЛА КЎПРИГИ

— Замира опа, санъат соҳасида хизмат қилаётганларнинг кўпчилиги экранда кўринишни, иктидорини намойиш этишни истайди. Сиз нега экран ортини, яъни режиссёрлиқни танлагансиз?

— Андижондан пойтахтга актрисалikka ўқиш ниятида келганман. Ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳужжат топшириб, талаба бўлдим. Ҳаётимда учраган ҳар бир тўсиқ менга ибрат ва омад келтирган. Талабалик пайтимда бизни Сирдарёга хизмат сафарига юбормокчи бўлишганди. Шунда онам қаршилиқ қилиб: "Ё Тошкентда ишлайсан, ёки Андижонга қайтиб келасан" деганлар. Пойтахтда қолиш учун телевидениеда бошловчилик қила бошладим. Қисқа муддатда катта муваффақиятларга ҳам эришганман. Аммо, қалбимдаги актёрликка бўлган ҳавас туфайли Ёш томошабинлар театрига ўтиб, бир йил ишладим. Бироқ ўша муддат ҳаётимдаги энг оғир кунларга тўғри келди. Телевидениедаги муҳитдан сўнг бу жараён менга мутлақо бегонадай туюлди. Отамдан айрилдим, негадир роль ижро этолмадим.

Яна телевидениега қайтиб, қайтадан қийинчиликлар билан ўз фаолиятимни бошладим. Натигада экранда чиқишдан кўра, камеранинг ортидаги меҳнат мени ўзига кўпроқ ром этди.

— Аёл энг аввало, хонадонидаги осойишта муҳит ва фарзандлари қамолида ўз бахтини кўради. Айтинг-чи, ҳам оилани, ҳам ишни эплаш учун аёл нимадан куч олади?

— Турмуш ўртоғим адабиётшунос Дониёр Бегимқулов билан икки ўғил, бир қизни воёга етказдик. Ўғлим Даврон Дониёров таржимон, қизим Гул-асал Каримова журналист, Азизбек эса иқтисодчи. Тўрт набарам бор. Уларнинг эришган ҳар бир муваффақиятида бизнинг ҳиссамиз борлигини ҳис қиламан. Фарзандни тарбиялашда уни тушуниш, билиш муҳим. Боланинг келажагини ота-онасигина кўра олади. Фарзандларимда бирор муаммони ёки хатони сезсам, улар билан алоҳида гаплашаман. Болани бошқалар ҳурмат қилиши учун у энг аввало, ўз оиласида ҳурматни ҳис этиши керак. Эр-хотин муносабатларида ҳам худди шундай. Аёл киши ҳар доим фарзандлари олдига отани ҳурмат қилиши керак. Унинг ибратли ишларини болаларга ўрнак қилиб кўрсатиб, ўғилларда мардлик ва қатъиятлиликни, қизларда эса йигитларга нисбатан ҳурмат ва андишани ривожлантириши муҳим.

Оилавий муносабатларда отам Латифжон ака Исмоилов ҳамда онам Қумрихон ая Исмоилова ҳар жиҳатдан ўрнак эдилар. "Она ақли, тadbирли, оқила бўлган оиладан муаммо бўлмайди, отанинг биринчи таяничи, ҳаммаслаги бу аёли-

дир", дердилар. Онадан безган оила парокандаликка учраши аниқ. Чунки аёллар оила ришталарини бир-бирига мохирлик билан боғлаб турувчи чеварлар ҳисобланади. Отани фарзандга, боласини дадасига мақтаб, ҳар иккисининг ҳам хатосини тузатиб, тўғри йўлга солиш ҳам аёлнинг вазифасидир. Оиламиз бизнинг кўзгумиз, эртага унинг аксини фарзандлар, набиралар қиёфасида қайта кўрамиз.

— Халқимизда оилавий муносабатлар ҳақида очик-ойдин гапирилмайди. Уни томошабинга "гул қозога ўраб" етказиш катта маҳоратни талаб қилади. Ижодингизда айнан бу каби мураккаб, чигал муносабатларни ёритаётганингизда ўз олдингизга қандай чегаралар кўясиз ва қайсиларини четлаб ўтишга мажбур бўласиз?

— "Опа-сингиллар" сериали қайнона-келин муносабатлари асосига қурилган. Албатта, унда оиланинг шахсий сирларини очик-ойдин эмас, маълум тизимга солиб кўрсатишга ҳаракат қилганмиз. Шундай бўлсада, томошабинлардан "жуда ҳам бўрттириб юборилган"лиги ҳақидаги танқидларни ҳам эшитдик. Аммо, бундан баттар оилалар ҳам бор-ку! Аслида, ҳамма қайнона ҳам бир хил талаб кўяди. Худди сериалдаги каби эпли, озода, ширинсўз келинини орзу қилишади. Фарқи, кимдир ўз мақсадини келинига яхши гап билан тушунтирса, бошқа бир қайноналарнинг қаттиққўллиги чегарадан чиқиб кетади. Бадий асарни тўлалигича сериал қилиб бўлмайди. Сценарийни ўрганганимда уни дастлаб ҳаётимда монтаж қилиб оламан. Таниқли ёзувчи, ушбу сериал муаллифи Назар Эшонқул билан ҳар бир ўзгаришни, қўшимчаларни маслаҳатлашганмиз. Бир сўз билан айтганда, қайтадан сценарийни ёзиб чиққанман. Шунда, нимани тасвирга олиш мумкинлиги яққол аён бўлади.

— Томошабинлар тасодифларга, қўтилмаган воқеалар ва янгиликларга бой сериални севиб кўришади. Воқеаларда сиз яна тўлдиришни ёки ўзгартиришни истаган жиҳатлар бормиди?

— Дилфуза ва Икром ўртасидаги ўзаро дўстлиқни тўлиқ кўрсатган бўлардим. Дилфузани шунча йилдан



Гурунг



сўнг болаликдаги муҳаббати билан учрашиш саҳнасига самимий ва ҳаққонийлик эпизодларни қўйиш керак. Ва яна қайнона-келин ўртасидаги муносабатларда тақрорий эпизодлар кўп. Уша нуқталарни бирлаштириш, ёки ўрнига янги сюжетларни қўйиш керак.

— Бирор бадий асар устида ишлаётганингизда актёрлар ва оммавий сахна иштирокчиларига қандай талаблар кўясиз? Демокриманки, қаттиққўлмисиз, талабчанмисиз? Умуман, аёлларнинг режиссёрлик фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Ўзимга кўпроқ талаб кўяман. Шундагина бошқалар билан бемалол ишлаш, уларга ўз қарашларинг, фикрингни етказиб беришинг мумкин. Талабчанлик ҳам, қаттиққўллик ҳам асосли бўлиши керак. Масалан, "Опа-сингиллар" сериалидаги Икромнинг архитектор эканлигини кўрсатиш учун Архитектура ва қурилиш институтига бориб, уларнинг ўқиш ва иш жараёнларини кузатганман. Чироқчининг хатосини ёки монтажчининг камчилигини, актёр ролидаги нуқсонларни шу соҳани мукамал билибгина бартараф этиш мумкин. Аёл режиссёрларга келсак, улар айнан аёлларга хос қобилияти билан катта-катта ишларни амалга ошириш имконига эга. Масалан, аёл ниҳоятда синчков ва кузатувчан. Энг оддий нарсалар ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. Тасвирга олишда эса бу хусусият фойда бериши аниқ.

— Томошабин, актёр ва режиссёр... ким-кимдан кўпроқ андоза олади? Умуман, ҳозирда яратилаётган миллий сериалларимиз бу номга қай даражада мос?

— Ижодкорлар, у қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, бир қадам олдинда юриши лозим. Лекин, афсуски, бунга ҳар доим эриша олмаймиз. Бугун телеканалларимиз кўпайган, дунё телеканалларини бемалол кўриш имконига эгамиз. Томошабиннинг тафаккури ҳам, талаби ҳам кундан-кунга янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Илгари суратга олинган "Баҳор қайтмайди", "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси", "Навоий", "Бобур", "Кўнги кўчалари" каби видеофильмлар ўз муҳлисларини топган. Бугунги кунда эса қайсидир маънода маиший мавзуларга кўпроқ мурожаат этиляпти. Аммо, унда ҳам ўзлигимизга, миллийлигимизга хос жиҳатларни истаганча топиш мумкин. Сериал асарининг шунчаки кўчирилган варианты эмас, режиссёрнинг айтар сўзига айланиши керак, деб ҳисоблайман.

"Оила ва жамият" муҳбири  
Қамола АДАШБОВЕВА  
суҳбатлашди.



**НУРОНИЙ** — "Нуроний" сўзи тилимизда фаол қўлланади. Бу сўзнинг туб маъноси "нур таратувчи" дегани. Шунингдек, «нуроний» ёрқин, порлоқ, нурли, файзли, истараси иссиқ, юзидан нур ёғилиб турадиган, файзли кексалар маъноларини ҳам англатади. Бу сўз тилимизда асосан, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром маъносидан қўлланади.

Салим ота хушчақчақ, нуроний киши эди.

Газетадан

Собир ота ёши ўтган сари тобора нуроний тус олар, эл орасида ҳурмати ошиб борарди.

Журналдан

**МАРТ ВА ҲАМАЛ** — тилимиздаги учинчи ой "март" асли лотинча бўлиб, у қадимги Рим мифологиясидаги илоҳлардан бирининг номидир.

"Ҳамал" сўзи эса, Шамсия йил ҳисобида йилнинг биринчи ойи номи бўлиб, унинг туб илдири "қўзичоқ" деган маънони билдиради. Ҳамал 22 мартдан 21 апрелгача давом этади.

Шериклари билан ҳамал ойининг бошларида — мартнинг охирида туркман саҳросига жўнади.

Садриддин Айний

**МАОШ** — тилимизда фаол қўлланадиган "маош" сўзи асли қандай маънони англатганини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. Бу сўзнинг туб илдири "яшади", "турмуш кечирди" деган маънони билдириб, кейинчалик, "турмуш учун зарур нарсалар", "иш ҳақи", "нафақа" маъноларини англата бошлаган. Дарҳақиқат, турмуш кечирish учун маош энг зарур асос бўлади.

Суннатилла маошини олган куни синглисини йўқлаб борди.

Журналдан

Дилхоҳ ила иккимиз маоши, Ойини висол бетаҳоши.

Яъни, иккимиз дилхоҳлик билан умр ўтказиб, тинчлик билан васл гаштини сурсак.

Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидан

**САВОБ** — тилимизда "савоб" сўзи энг кўп қўлланадиган сўзлардан биридир. Бу сўзнинг туб илдири "мукофотлади", "тақдирлади" маъноларини англатади. Хайрли ва эзгу ишларга нисбатан тилимизда «савоб» сўзи ишлатилади.

Дўстларим қилманглар бағримни каюб, Ғарибнинг кўнглини овламоқ — саюб. Эргаш Жуманбулбул

Саюб тушунчаси бизнинг халқимизда қадрият даражасига кўтарилган.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Соғлом она — соғлом бола

## КИЧИК ЧИЛЛАНИНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТИ

**Мадина ТИЛЛАЕВА,  
олий тоифали шифокор,  
педиатр:**

— Шифокор илк текширувни чақалоқнинг вазнини ўлчашдан бошлайди. Одамлар семизроқ болани соғлом, нимжонроғини касалманд деб ўйлашади. Бу фикр нотўғри. Ўрта вазнда туғилган чақалоқ оғирлиги 2500-4000 гр. гача бўлиб, бўй узунлиги эса 48-50 см. атрофида бўлади. Боланинг вази туғилгандан кейин 2-5 кун ичида 5-8 фоизга (150-300 гр.) камаяди, сўнг аста-секин ўн кунларнинг ичида биринчи вазнга етади.

Ёш оналарнинг кўпчилиги чилла даврида чақалоқларининг терисидан сарғишлик борлигидан шикоят қилади. Бу табиий ҳолат. Чақалоқ она қор-

нидалигида қоннинг таркибида қизил қон таначалари (эритроцитлар) кўп бўлади. Бу чақалоққа нафас ола бошлаганида организмдаги оксидланиш жараёнининг меъёрий кечиши учун муҳим саналади. Бола туғилганидан кейин эритроцитларнинг бир қисми парчаланаяди, натижада тери тўқимасида сарғиш ранг ҳосил бўлади. Фақат 60-70 фоиз ҳоллардагина кўзга яққол ташланаядиган сарғишлик бўлиши мумкин (2-3 кунларда). Бундай ҳолат барча чақалоқларда кузатилади ва тезда ўтиб кетади. Даволаш талаб қилмайди.

Баъзан янги туғилган чақалоқларнинг кўкрак безлари бўртиб, ундан рангсиз ёки сарғимтир суюқлик ажралиб чиқишини кузатиш мумкин. Она

гормонлари йўлдош орқали болага ўтиши туфайли бу ҳолат рўй беради ва тезда ўтиб кетади. Аммо бола кўкрагини зиҳор сиқиш мумкин эмас. Акс ҳолда кўкрак беги жароҳатланиши ёки инфекция тушиши мумкин.

Бола туғилганидан кейин баъзан ёш оналар болам совуқ қотаяпти деб ўйлаб, уни қалинроқ йўргакка ўрайдилар. Аслида, ҳомиланинг тана ҳарорати онаникига нисбатан 0,5 градус баланд бўлиб, 38 градусгача етади. Туғилгандан кейин гўдак хонасининг ҳарорати 25 градус атрофида бўлиши керак. Чақалоқни елвизакдан эҳтиётлаш жуда муҳим. Чунки бола ҳаётининг илк кунларида меъёрий тана ҳарорати 36,5 дан 37,5 гача бўлади. Шунинг учун фарзанд дунёга келгач, унга ўз вақтида термонејтрал ташқи муҳит яратилмаса, 10-20 дақиқалар ичида боланинг ҳарорати 2-4 даражача пасайиб кетиши ҳам мумкин.



Болани қаттиқ йўргакламаслик керак. Акс ҳолда, қон томирлари сиқилиб, қон ўтиши секинлаша бошлайди ва бола ўз-ўзидан совуқ қотади. Боши билан қаттиқ йўргакланган бола кам эмадиган бўлиб қолади, чунки ноқулайлик ҳисобига бола оғзини катта очолмай эмишдан бош тортади. Унутманг, чақалоқнинг қорни тўқ, таги доим қуруқ бўлсин.

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА**  
ёзиб олди.

## КЎЗЛАРИМ НУРГА ТЎЛДИ

**Мустақиллик қандай улуг  
неъмат-а! Элимизнинг юзу  
кўзида шодлик, ҳамма ёқда  
ободлик! Янгидан-янги иншоот-  
лар, бог-роғлар, кўприклар...**

Ишим тушмаса, эҳтимол, қалбдан ҳис этмасдим; бошқа жабҳаларни айтмай кўя қолай, тиббиёт соҳасида ростдан ҳам анча юксалибмиз. Энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар тобора кўпайиб бораётгани, соҳага энг янги техника-технологияларнинг кенг татбиқ этилаётгани, ушбу касб эгаларининг заҳматли меҳнати қадрланаётгани — эришилаётган ютуқларнинг асосий омиллари экани аён...

"Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб", дейди доно халқимиз. Бу ҳикмат бежиз айтилмаган. Унинг замирида олам-олам маъно бор. Жисмонан соғлом, бақувватлигим учун яқин-яқингача шифокорга деярли ишим тушган эмас. Ёш ўтаётгани таъсирини ёки соғлиғимизни асраш йўлларини билмаймизми, ҳар ҳолда, кўзларим хиралаша бошлаганини пайқамай қолибман.

Бундай кезде одам нима қилади? Табиийки, мен ҳам кўз касалликларини даволайдиган бир қанча шифохоналарга бордим, улардан маслаҳатлар олдим. Тўғриси, улардаги шароит бири-биридан яхши эканини кўриб, ақлим шошди. "Қайси бирида даволансам экан?" — деган савол миямда турарди. Охири, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказини танладим.

У ерда дастлаб, марказ директори Зафар Сиддиқовга учрашдим. Ташқи киёфаси, юз ифодаси, беморларга муомаласидан зиёлилик нишониси барқ урган бу одам менда жуда илиқ таассурот қолдирди. Кейин суриштириб билсам, у тиббиёт соҳасининг машҳур арбоблари — профессор Дамин Асадов ва Ўзбекистон Қаҳрамони Холидбек Комиловнинг шоғирди бўлиб, уларнинг илмий раҳбарлигида 2007 йили Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва офтальмология ихтисосликлари бўйича "Ислоҳ даврида ихтисослашган офтальмология марказ менежментини оптимизациялаш" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган экан. Ҳам илмда, ҳам бошқарувда катта тажрибга эга бундай мутахассисларнинг борлиги ушбу соҳа ривожининг асосий омиллари экани сир эмас.

Марказда меҳнат жараёнини жадаллаштириш, беморларни махсус-пухта жараёнга тайёрлаш ва жарроҳликдан кейинги даврда даволашнинг анча мукамал тизими яратилган. Шу сабабли бу ерда республикада катаракта касаллигини даволашнинг олтин стандарти бўлган юмшоқ интраокуляр линзалар имплантацияси билан фактоэмусификация усули энг кўп ва юқори сифат билан амалга ошириляпти. Тўғриси, марказдаги иш юритиш усуллари кўриб, бугун биз дунёнинг ривожланган мамлакатларидан ҳеч ҳам қолишмаслигимизга амин бўлдим. Иш юритиш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган, Рос-

**Миннатдорчилик**  
сия, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, АҚШ каби мамлакатлардаги турдош тиббиёт муассасалари билан интернет тизими орқали мунтазам алоқа ўрнатилгани, ҳужжат юритишнинг электрон бошқаруви йўлга қўйилгани бунинг исботидир.

Энг эътиборли жиҳати, ушбу марказда Воҳид Розуқулов, Муроджон Тимуров каби юқори малакали мутахассислар фаолият юритаётир. Мен малакали шифокор Дилшод Абдиназаров кўлида даволандим. Йилига 250-300 тагача жарроҳлик амалиётини бажариб, одамларга оламни, ундаги ранглар жилосини, гўзаллик ва нафосатни ёрқинроқ кўриш, яққолроқ ҳис этиш бахтини қайтараётган Дилшоджон мутахассислар тили билан айтганда, у сунъий гавҳар имплантацияси, антиглаукоматоз жарроҳликлари, дакриоцисториностомия, қоқоқ ва шиллик парда пластикаси ва кўз касалликлари жарроҳлигининг бошқа турлари бўйича нафақат мамлакатимизда, ҳатто чет элларда ҳам эътироф этилган шифокор.

Менинг кўзларим ҳам айнан унинг кўлидаги шифобахш тигдан нажот топди. Бугун олам кўз олдимда бутун гўзаллиги билан намоян. Ранглар менга ўз сирларини очаетир. Бунинг учун ушбу марказдаги шифокорлардан бир умр миннатдорман.

**Абдуғани СУЛАЙМОН.**

## Муштарий илҳоми

### ОТА ДАРАХТИМ

*Ота уйим бебез турган нурувқорим,  
Байтлар ёзгим келар япроқларингга.  
Қилгини сўрашга бўлмайти вақтим,  
Кимлар болта урар оёқларингга.*

*Ҳаёлим ҳамиша сен билан яшар,  
Сен билан ўтганди, ёшлик пайтларим.  
Қуи бўйи соҳаида мириқиб, ўйнаб,  
Шоҳларингга чиқиб иезлар айтардим.*

*Япроқларинг митти раққослар каби,  
Айланиб-айланиб шитирлар эди.  
Ер-осмон илмидан афсона тўқиб,  
Қуломгга сирли шивирлар эди.*

*Отанинг кўллари теккан дарахтим,  
Мен ўша — сочлари сариқ қизалоқ.  
Катта дардлар билан катта шаҳарда,  
Юрибман кўнглимни ёритмай чироқ.*

*Дарахтмас, отамдек суярдим сени,  
Авалроқ келишга бўлмайти вақтим,  
Соҳадан ҳалиям жой берасанми?  
Соғиндим, сени эй, ота дарахтим!*

### БИР ҚУШ ЯШАР

*Юрагимда бир қуш яшайди,  
У сайраса кетар қайғу-ғам,  
Шу қуш сабаб гулзор яшайди,  
Шу қуш сабаб кўлимда қалам.*

*Шод куйлайди келганда кўккам,  
У севади гулни, баҳорни.  
Болаликни эслагани дам,  
Кўмсайверар нуқул Олқорни.*

*Юрагимда бир қуш яшайди,  
Чап кўксимда сайраб турган қуш,  
Ғам ютсам жон қафасларига,  
Митти бошин уриб турган қуш.*

*Юрагимда бир қуш яшайди,  
Шоур қилиб кўтарган қадрим.  
У тўхтаса, қаламим синар,  
Нобуд бўлса, тугайди умрим.*

**Гулзора АҲМЕДОВА,  
Фаргона вилояти.**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.

Декоратив гул яшаш — 1 ой.

Сарпо қути ва саватлар яшаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтчалар яшаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция яшаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (1800 дан 2200 гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

# АЖРАШМОҚЧИ ЭМАСМАН, ЛЕКИН...

**Хурматли таҳририят!  
Ушбу хатни айнан  
сизларга ёзаётганимнинг  
боиси, шу руқн орқали  
қанчалаб инсонлар ўз  
дардларига малҳам  
топаётганига ишонаман.  
Нега десангиз, мен ҳам  
ана шундай кўнгли ярим,  
бир муштипар аёлман.  
Дардимни кимга айтишни  
билмайман. Нима қилай,  
осмон узок, ер қаттиқ.  
Мени тушунсангиз, бо-  
шимдан кечаётган кўргу-  
ликларни газетангиз  
саҳифасида ёритсангиз.**

Бу дунёдан ўзим учун ҳеч нарса сўрамаганман, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Яшашдан, ҳаётдан биргина умидим борки, у ҳам бўлса ҳар куни ишга кетаётганимда: "Ойижон, бугун уйга вақтлуроқ келасиз-а", дея мунчоқдек кўзларини мўлтиратиб қоладиган икки қизимнинг камолини, бахтини кўришдир. Аммо она фарзанди учун қанча жон куйдирмасин, барибир ота ўрнини боса олмас экан. Бу сўзларимни эшитган киши мени бева аёл экан, деб ўйлаши табиий. Йўқ, ундай эмас. Келинг, яхшиси бир бошдан айтиб берай. Зора, пешонамга битилган бу қисматимни газета орқали ўқиган ёки кимдандир эшитган юртдошларимиз орасида менга маслаҳат берадиган, тўғри йўл кўрсатадиганлар чикар...

Ўн бир йил аввал баҳорнинг сўнгги кунлари Шокир ака билан турмуш курдик. Аввалига турмушимиз яхши эди. Ҳаммаси ҳомилалдор бўлганимдан кейин бошланди. Шифокор кўригидан кейин эримга фарзандимиз соғлом туғилиши учун баъзи дориларни ичишим керак экан деб пул сўраётганимни эшитган қайнонам: "Мен битта ҳам дори ичмай, ўнта болани туғибман-а", деб жаврай кетди. Бошқа харажатларини рўқач қилиб турган эримга бу айтиш мудоао бўлди. Ҳомила икки-уч ойлигида нималардир егим келар, буни уйимдагиларга айтсам, қандай



жавоб олишимни билиб, дардимни ичга ютиб, индамай кетаверардим. Хуллас, вақт ўтган сари чиқимларим кўпая бошлади. Шундан кейин мажбуран маҳалламиздаги тикувчилик цехига фаррош бўлиб ишга кирдим. Вақтида дам ололмаганим учунми ёки асабийлик оқибати, билмадим, кейинчалик қон босимим кўтарилиб кетадиган бўлиб қолди.

2005 йилнинг 21 март кун кесар йўли орқали қиз кўрдим. На эрим, на қайнонам келиб ҳолимдан хабар олди. Ҳамма харажатни ота-онам кўтаришди. Уйга жавоб берилган кун қайнонам келиб бизни олиб кетди. Ўшандаги аҳволимни тасаввур қилиш қийин. Эрим чақалоққа бепарвогина кўз ташлади, холос. Мендан нима ўтдиёқин, деб айбни ўзимдан қидирардим. Уй ишлари билан банд пайтларим болам йиғлаб қолса, унга қарашим мумкин эмасди. Қайнонам бола кўп йиғласа ичаклари кенгаяди, деб менга бошқа юмушларни буюраверарди. Кичик чиллам чиққан кун қайнонам: "Онангизни кимга бориб йигирма кун туриб келинг, кейин эрингиз олиб келади", деди. Шу кунларда белимдаги оғриққа базўр бардош бериб юрган-

дим. Уйимизга келганимдан кейин яхшилаб дам олдим. Аммо қайнонам айтган вақт ўтиб кетса ҳамки, эрим бизларни йўқлаб келмади. Икки ойдан кейин ота-онамнинг қистови билан ўзим уйимга қайтиб келдим ҳовлида юрган янги келинни кўриб, нақадар аянчли қисматга дучор бўлганимни тушундим. Эрим мени иш қилишни билмасликда айблаб, уйдан ҳайдаб чиқарди. Истасам ажрашиш учун ариза беришим мумкинлигини ҳам айтиди. Йўрғақдаги боламни кўтариб яна отамникига қайтдим. Аммо қизимни отасидан ажратиб мен учун даҳшатли воқеа эди. Шунинг учун ажримга эмас, фақатгина алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилдим. Икки йилдан кейин эрим бизни кўргани келди ва хотинини ҳайдаб юборганини, энди мени ва фарзандимизнинг кўнглига қараб яшашини айтиб, уйга қайтишимни илтимос қилди. Ўшанда бахтсизлигимга ҳам, ёлғизликка ҳам кўниккандим. Аммо энди ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деган умидда яна бирга яшай бошладим. Бироқ оиламиздаги молиявий аҳвол ўша-ўша эди. Эримдан пул сўрасам, кўзига ёмон кўринаверардим. Қизим-

ни боғчага бериб, яна ишга кирдим. Шундан кейин қайнонам ойлик маошини менга берсин, деб ўғлига хараша қила бошлади. Бунга ҳам кўндим. Чунки нима бўлганида ҳам фарзандим отасиз ўсишини истамасдим. Устига-устак фарзандимиз иккита бўлиш арафасида эди. Тинч осуда ўтган кунларим кам эди. Кун сайин эрим билан онасининг қош-қовоғи ортиб борарди. Улар мен, ҳадемай туғсам, ишламай уйда ўтиришимни, уларга пул беролмаслигимни исташмасди. Ҳомилам етти ойлик бўлганида уни олдирансан деб туриб олишди. Нима бўлганда ҳам бундай қилмаслигимни тушунган эрим индамай уйдан чиқиб кетди-ю, аввалги иккинчи хотинини қайтариб олиб келди ва ўша зал фарзандинг соғлом туғилиши керак, деб менга далда беришди. Иккинчи қизим туғилганида туғруқхонадан ука-сингилларим олиб чиқишди. Уч ойдан кейин суд идорасига бориб бўлган ишларни айтдим ва менга эрим уй-жой қилиб беришини, катта қизим учун икки йилдан бери алимент пулини тўламаётганини айтиб, ҳақимизни ундириб беришларини сўрадим. Бундан хабар топган қайнонам иккала фарзанди ҳам қиз бўлса, биз унга уй-жой бермаймиз, деб судга ариза ёзибди. Суд томонидан мени яшаб турган уйга киритилсин, деган қарор чиқарилди. Эрим жазога тортилаётганини эшитиб, мени дарҳол



уйга олиб келиб, энди аҳил яшаймиз, деб туриб олди. Аммо унинг бунақа баҳоналарини кўп эшитганим учун ишонмадим.

Барибир аёл киши кечиримли бўлар экан-да, икки норасида фарзандимнинг келгуси тақдирини ўйлаб, ҳалиям оилам тикланишидан умид узолганим йўқ. Бир ярим йилдан бери отамникидаман. Яқинда кўчада эрик билан тасодифан учрашиб қолдим. У уйини таъмирлаётганини, мен унга зудлик билан бир миллион сўмча пул ва мингтача гишт олиб берсам, ярашишини, бўлмаса, бир ой ичида бошқага уйланиб олишини айтди. Мен бўлсам, анча вақт бирга яшамдик, фарзандларини соғингандир, энди менинг ҳам қадримга етар, турмушимиз ҳадемай изига тушиб кетади деган умидлар билан юргандим. Кутилмаганда бундай гап чикди. Уйлаб кўриш учун вақт жуда оз эди. Гўё чорраҳада қолиб кетгандекман. Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасдим. Эрим билан ажрашишни истамайман, аммо яшашнинг ҳам иложи бўлмаяпти. Илтимос, менга йўл кўрсатинглар.

**ШОДИЯНИНГ МАКТУБИНИ  
Барно  
МИРЗААХМЕДОВА  
оққа кўчирди.**

## ТАҲРИРИЯТДАН:

**Муҳтарам муштарийлар!**

*Шодиянинг аянчли тақдир ҳақидаги ушбу мактуб таҳририятимизга келиб тушганидан кейин мурожаатнома ҳақида тегишли ташкилотларга хабар бердик. Шу йўл орқали бу парокандаликка юз тутиб турган оиланинг тақдир қайта тикланар. Аммо бу қабил мактублар таҳририятимизга тез-тез келиб туради. Ўзбекчиликда андиша, орият, гурур ва помус тушунчалари устувор бўлса-да, баъзида мана шундай нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳаётини ҳам ўйин қилаётганлар учраб турибди. Ушбу мактубни чоп этишимиздан мақсад ҳам Шодиянинг сабру тоқати кимларга-бир ибрат ва намуна бўлишидир. Унга йўл кўрсатиши, тўғри маслаҳат бериш инсонийлик бурчимиздир. Фикр ва маслаҳатларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.*

## ДАРДИНГНИ АЙТМА!



Шундай одамлар борки, кўзгуга қараб ҳам ўзининг асл қиёфасини кўролмайдилар. Уларга кўз ташласанг, дереза ойналаридан ташқари кўрингани каби, уларнинг қоп-қора қалбини ҳам кўра оласан. Уларга бирор нарсани ўргатишга уринма,

синчиклаб кузат. Уларга қараб, дунёни ўрганса бўлади. Айбларини юзига айта кўрма, ёмон кўриб қолишлари мумкин. Аслида улар ўзидан бошқани яхши кўришга қодир эмас. Ҳеч қачон тортишма, барибир, ўз фикрини ўзгартирмайдилар. Дардингни ҳам айтма, устингдан кулишади. Яхши инсонлар билан бирга бўл, сени ўз акинингдек қабул қилишади.

## ИЛТИЖО

Остонанга борганимда, хайдаманг бўлгани. Агар мен билан кетишга кўнмасанг, ҳеч йўқ шодлик-қувончлардан эҳсон қил. Сен берган ҳадыларни олиб ортага қайтгач, кулишни унутиб қўйганларга уларни тортиқ этаман.

Истаган чоғингизда мени қимматбахо совға-саломларга кўмиб ташлайсиз. Бироқ улардан кўра кўпроқ гулларни яхши кўраман. Мен учун бу



зебу зийнатлардан-да, бир дона бадий китоб қимматлироқ. Бу гал нархи бандан чиройли қоғозга ўралган атир совға қилдингиз. Сизни ранжитмаслик учун қўлингизни қайтармадим. Лек мен учун бундан ҳам қадрлироқ чинакам меҳр ифторларидир. Энди яна учрашсак, кинога кирайлик, дея тақлиф билдирдингиз. Сўзсиз буни рад этдим. Тўғриси, ундай жой-

лар менга маъқул келмайди. Ахир, очик ҳавода, табиат қўйнида сайр қилишга нима етсин?!

Охири, инжиқликларим жонга тегди, шекилли, хабар ҳам олмай, кўнғирок ҳам қилмай қўйдингиз. Очиғи, бундан ранжимадим.

Сиз билан ўтказган вақтимда қанча бадий китобларни ўқишим, бошқа керакли машғулот билан шуғулланишим мумкин эди. Кетган вақтимдан ҳам ўзимнинг бебошлигимга кўпроқ ачиндим. Ёш бошимга ўткинчи ҳисларга тобе бўлиб қолишнинг нима кераги бор? Севги-муҳаббатни ўйлашга ҳали эртасмасмикин?!

Саволларимга ўзим жавоб топдим. Қўлимга телефоним олдим-да, "Илтимос, мени бошқа безовта қилманг. Ҳаммаси учун узр", деб хабар жўнатиб юбордим...

**Хосият НИГОР.  
Андижон вилояти.**

...Одил ота уч ойдан бери гоҳ бир нуқтага тикилиб хаёл суради, гоҳ бир нимани йўқотган одамдай безовталаниб, у ёқдан-бу ёққа бориб келади. Неваралари, ўғил-қизлари атрофида парвона бўлса-да, сира хомушлиги аримайди. Кексайида бундай ҳолатга тушганидан фарзандлари ҳам хавотирлана бошладилар. Кейинги пайтда отаси ҳатто кечаси ҳам мижжа қоқмай, тинимсиз хўрсиниб чиқаётганини пайқагач, Азиз жиддий гаплашиб олишга қарор қилди.

— Ота, сизга нима бўлди, жуда ўзгариб қолгансиз. Бировга бир сўз демасиз, нималарнидир ўйлаб сикласиз, ўзингиз билан ўзингиз гапласасиз. Кимдан хафасиз? Ёки мазагиз бўлмаётими? — деди у.

— Ҳеч гап йўқ, болам, хавотирланманглар, — деб жавоб берди ота мужмалроқ.

— Бошқача бўлиб қолганингизни набираларингиз ҳам сезишибди.

кетди. Эрта тонг, атрофда одам кўринмайди. Одилнинг хаёлига ёмон бир ўй келди: “Қачонгача шу Шарифнинг кўнглига қараб, йўлини пойлаб юраман? Яхшиси, отини олиб қочиб, сотиб юборсам, фойда ҳам бир ўзимники бўлади-ку”. Бу шум ният кўнглига қаёқдан келди, буниси Одилга қоронгу... Аксига олиб, Шариф ҳам чиқа қолмади... Шайтон куткусига учган Одил атрофга аланглаб, ҳеч ким

дек бош чайқаб. — Энди уловингни топишнинг иложи бўлмаса керак.

— Тополмасак, бировдан қарз сўраб, яна от арава олармиз. Янги иш бошлармиз. Бўлмаса, бир гап бўлар.

Бу хонадонга яхши кайфият билан кириб келган Шариф маҳзун қиёфада чиқиб кетди. Шундан сўнг, унинг ҳаётида кийинчилик кунлари бошланди. Одил эса “осмондан тушган” даромади билан “енг ичида” олди-сотди ишларини йўлга қўйди. Гоҳида Шарифни учратиб қолса, тирикчиликдан қийнаётганидан нолир, аммо, топиш-тутиши ёмон эмасди. Кейинчалик Одил ишларини кенгайтириш учун бошқа шахарга кўчиб кетди. Улар ўртасидаги муносабатлар узилди. Эҳтимол, Шариф у кунларни унутиб ҳам юборгандир. Лекин болалари катта бўлгани, ёши улғайгани

## Буни ҳаёт дейдилар

гиз таскин топса бас.

Отанинг юзига хотиржамлик тепчиди.

— Бўлмаса, бир машинани пулини тайёрланглар, бориб Шарифдан кечирим сўрайман.

Ака-ука бир-бирига маслаҳатомуз назар солиб олишгач, “маъкул” дегандек бош иргашди. Орадан икки кун ўтиб, йўлга тушишди. Манзилга етиб келишгач, эшик олдида ўтирган Шариф ота уларга пешвоз чиқди. Неча йиллардан бери қуришмаган бўлишса-да, Одил отани кучок очиб кутиб олди. Юзларига ажин тушиб, қаддилари буқилган бўлса-да, кўзлар ва овозлар ўша-ўша эди. Одил ота дўстидан кўра ўза турмуши бировз ғариброк эканини шу тобда ҳис қилди. Шариф отанинг хонадони ўзгача файзли. Дарвозадан кираверишда иккита машина турар, данғиллама уй-жойлари ҳам унинг ҳаёти фаровон эканидан дарак берарди. Отасининг эски кадрдони келганидан хабар тогган ўғиллар дарҳол йиғилиб келишди. Биров қўй сўйган, биров тансиқ таомга уннаган... Меҳмоннавозликдан сўнг икки дўст ёлғиз қолди. Шунда Одил ота мақсадга кўчди:

— Шариф, сenga бир ҳақиқатни айтмасам бўлмайди. Ўшанда от аравангни мен олиб кетгандим, уни сотиб, янги иш бошладим. Лекин, орадан шунча йил ўтса ҳам ичим ёришмайди. Ўша ишимдан пушаймонман... Шу сабаб ҳозир олдингдаман. Манавини ол, арзимаса ҳам ўша ишимнинг бадали бўлсин. — У қозога ўралган пулни огайинисининг олдига қўйди. — Ҳозирги ҳисоб билан бир уловнинг пули... Кўриб турибман, бунга муҳтожлигим йўқ. Аммо олмасан, бўлмайди. Чин дунёга ўғри деган ном билан кетмайин...

Шариф ота арзимаган бир гапни эслагандек, мийиғида кулиб, дўстининг елкасига қоқиб қўйди:

— Менга буларнинг кераги йўқ. Энг муҳими, сени кўрдим. Тўғри, ўшанда озгина қайналдим. Кейин эса боғимга барака кирди. Ўзимни тиклаб олдим. Отимнинг йўқолганидан ичим оғриманган. “Ким олган бўлса ҳам, ҳалол топганимни яхшиликка ишлатсин”, деб ният қилгандим. Мана, эшитдим, ишинг яхшиланибди. Болаларингни бекаму кўст ўстирибсан. Менинг ҳалол молим яхшиликка хизмат қилибди. Мен розиман, Одил.

— Олмасанг бўлмайди, истасанг, кетганимдан кейин кўчага улқотир, истасанг, 56 йил олдин йўқолган отим қайтиб келди, ҳалол экан, дегин. Нима қилсанг ҳам, буни ол, — Одил ота кўярда-қўймай олиб келган пулини, совға-саломларини бериб кетди.

**Отимнинг йўқолганидан ичим оғриманган. “Ким олган бўлса ҳам, ҳалол топганимни яхшиликка ишлатсин”, деб ният қилгандим. Мана, эшитдим, ишинг яхшиланибди. Болаларингни бекаму кўст ўстирибсан. Менинг ҳалол молим яхшиликка хизмат қилибди.**

дек бўлишди.

— Унинг қаерда яшаётганини биламан, сўраб-суриштирдим, — деди Одил ота гапида давом этиб. — Бу гуноҳим учун ҳар қанча азобга лойиқман. Менга ишонган одамнинг омонатига хиёнат қилганман. Энди, шунча йил ўтиб, унинг олдига қайси юз билан бораман?

— Рухсат беринг, биз борайлик, — деди Азиз. — Ҳар қанча бадали бўлса, тўлаймиз.

— Иккаланг, бор-бўдингдан ажралсанг ҳам рози бўласанларми? — деди ота мунгайиб.

— Ҳа, розимиз. Сизнинг кўнглин-



йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, отни шитоб билан шахарга чоптириб кетди. Тез-тез ортига қараб қўяр, назарида Шариф уни қақираётгандай туюларди. У ўзлари бориши керак бўлган бозордан юз қақиримча беридаги от бозорида тўхтади...

От аравадан тушган яхшигина пулни белига боғлаб изига қайтди. Кеч-

сайин Одил ўша воқеани тез-тез эслади, ҳар эслаганида юрагининг бир чеккасини гашлик тирнайди. Айниқса, кейинги пайтларда Одил ота худди кеча ўғрилиқ қилгандай азоб чекаётгани.

Отасининг гапларини эшитиб Анвар ва Азиз чуқур уйга толишди.

— Ёшликда ҳаммаюм адашиши мумкин-ку. Агар шу қилмишингиз сизни шунчалик қийнаётган бўлса, дўстингизни топайлик, кечирим сўранг, — деди Анвар.

— Кечирим сўраш қийин эмас, лекин унинг ўша йилларда қийналиб ўтказган кунлари ҳақини қандай тўлайман? — деди Одил ота ички бир дард билан. — Сизларнинг уй-жойларингиз, бугунги яхши турмушингиз ҳаммаси ўша пуллар эвазига барпо бўлган. Ҳозиргача Худойим бизга ҳаром пулларнинг касрини кўрсатмади. Кейинчалик невараларим бундан қийналиб юрса, қабримдаям тинч ётолмайман-ку...

Шундагина Анвар билан Азиз отасини азоблаётган дардни ҳис этган-

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ

Кеча Назира, бобом кимдандир хафа, нукул қовоғини солиб юради, ҳеч биримизга гапирмайди, дейди. Аҳволингизни кўриб, сиқилиб кетаяпмиз. Бирор муаммо бўлса, айтинг, биргаллашиб ҳал қилайлик, — деб гапга аралашди Анвар.

— Набирам тўғри айтибди, — деди ниҳоят Одил ота ҳазин товушда. — Мен аслида, ўзимдан хафаман. Бир вақтлар қилган ноҳўя ишим учун ҳалигача ўзимни кечиролмайман. Умрим поёнига яқинлашганда виждон азоби мени қаттиқ қийнапти. Балки, ўшанда виждоним ҳозиргидай уйғоқ бўлганда, шунчалар азобга қолмаган бўлардим.

Ота оғир хўрсинди. Хотиралари юрагини эзгани шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турарди.

— Балки биз ёрдам берармиз, — деди Азиз.

**Мен аслида, ўзимдан хафаман. Бир вақтлар қилган ноҳўя ишим учун ҳалигача ўзимни кечиролмайман. Умрим поёнига яқинлашганда виждон азоби мени қаттиқ қийнапти.**

— Йўқ, менга энди ҳеч ким ёрдам беролмайди. Ҳамма гап ўзимда қолган. — Одил ота янада оғирроқ хўрсиниб, юз-кўзларига термилиб, ундан жавоб кутаётган фарзандларига айбдорона нигоҳ ташлади. У бундан 56 йил аввалги воқеани эслаб сиқилиб юрганди. Буни болаларига қандай айтади? Кейин улар қай ҳолга тушишади?

... Ўша пайтлар Одил билан Шарифни дўстликдан кўра ҳамкорликда қилаётган ишларидан келаётган даромад кўпроқ боғларди. Тирикчилик учун бир зум тиним билмайдиган бу икки инсон бир-бирига суянади, бир от арава билан бозордан майда-чуйда олиб, маҳаллага келтириб сотишар, боғнинг ҳосилидан тушган даромадни ҳам тенг тақсимлашарди. Чунки бир йил бунинг ҳосили яхши бўлса, келаси йил бошқасининг ҳосили сердаромад келарди. Уларнинг ишини Шарифнинг от араваси анча енгиллаштирарди. Келаётган даромад икки оиланинг еб-ичишига, икки йилда бир марта бўлса-да, янги либос кийишига етарди.

Кунларнинг бирида икки ошна шахарга янги мол олиб келиш учун йўлга чиқашди. Бозор, ундаги нархнаволар ҳақида суҳбатлашиб манзилга яқинлашдилар. Шариф йўл устидаги бир дўконга кириб, узоқ қолиб

гача қўрқиб, хавотир билан эшикка термилиб ўтирди. Ниҳоят, Шариф уни сўраб уйига келди.

— Одил дўстим, аҳволинг яхшими? Кун билан сени қидирдим, — деди Шариф.

— Эй нимасини айтасан, кайфиятим йўқ. Рўзгорнинг кам-кўсти сира тўлмаяпти. Шундан бошим қотган, — деди Одил ўзини жуда гамгин кўрсатиб.

Шариф ҳовлига кўз югуртирди:

— Ўзинг соғ-саломат экансан, қўй, сиқилма ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳа айтганча, от аравамни берсанг, олиб кетай...

— Ие, араванг менда нима қилди? — деди Одил унинг гапини бўлиб. — Эрталаб сени анча кутдим. Чиқавермадинг. Бир огайним келиб қолувди, ёрдам керак экан. “Тез бормасанг, бўлмайди”, деб туриб олди. Йўқ, деблмадим. Сени пиёда қолмасин, деб аравани ўша ерда қолдиргандим...

Шундан сўнг орага тушган ноқулай сукунатни Шарифнинг овози бўлди:

— Ҳа майли, шу кунларда от ўғрилари кўпайган, дейишади. Бизнесиниям ўғирлаб кетишибди-да... Буормаган экан, — у хомуш тортиб ўрнидан кўзгалди. — Янаям сўраб-суриштираммиз...

— От ўғрилари сенга анойими, дўстим, — деди Одил афсусланган-

# СЎЗЛАШУВ ОДОБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Кўча-кўйда ёки теле-фонда, жамоатчилик жойларида айримларнинг, айниқса, ёш йигит-қизларнинг тушуниб бўлмайдиган, ғалати, беўхиво талаффуз этилаётган айрим гап-сўзларини эшитиб, ёқамизни ушлаб қоламиз. Тўғри, ҳар бир киши ўз туғилган жойи шевасида сўзлашади. Лекин бундай сўзлашув услуби таълим муассасаларида ҳам кенг қулатилмоқдаки, оқибатда бир қатор нуқудайликлар пайдо бўлмоқда. Ўқувчилар сўзлашув нутқидан ташқари ёзма нутқ — иши, диктантда ҳам шевага хос сўзлардан фойдаланиши натижасида турли имло хатолиғига йўл қўймоқдалар. Ҳоҳида мактаб, коллеж маъмурияти томонидан расмий йиғилишларни шевада олиб борилишига ҳам гувоҳ бўламиз.

Маълумки, тил кишиларнинг ўзаро алоқа қилиши ва фикр алмасишга эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар бир тил маълум бир миллатнинг кўзгуси ҳисобланади, унинг мавқеини белгилайди. Ўзбек тилимиз жамиятимиз, маданиятимиз тараққиёти, миллатимиз маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

Тарихан таркиб топган, қатъий меъёрларга бўйсунувчи, сўзлашувчиларнинг қайси ҳудудда яшаши-



дан қатъи назар, барчаси учун умумий бўлган тил адабий тил саналади. Адабий тил луғат таркибининг бойлиги, грамматик қурилишининг тартибга солинганлиги, қатъий меъёрларга амал қилиши, услубнинг ривожланганлиги билан характерланади.

Ҳар куни радио ва телевидение орқали турли ахборотларни эшитганимизда, газета ва журналлар ўқиганимизда, биз мансуб бўлган қишлоқ ёки шаҳар аҳолиси гаплашаётган тилнинг радио, телевидение, матбуот тилидан маълум фарқ қиладиган томонларини пайқаймиз.

Ҳар бир зиёли ўзи мансуб бўлган ҳудуд тили хусусиятларидан қутилиб, адабий тилда гапириш кўникмасига эга бўлмоғи ва буни ўз фарзандларига ҳам ўргатмоғи лозим. Умуманом жойларида, таълим муассасаларида "аши, кевотти, келутти, келопти, қатта, ока, этвомман" сингари шевага босликлар сўзловчида нутқ маданиятининг етарли эмаслигидан далolat беради.

Кишилар нутқида учрайдиган

нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, нутқни маданийлаштириш умумдават аҳамиятига эга бўлган масаладир. Бу масала билан шуғулланиш ишига фақат тилшунослар эмас, балки барча соҳа вакиллари эътибор беришлари мақсадга мувофиқ. Чунки нутқ маданияти умумхалқ маданиятининг таркибий қисми бўлиб, кишиларнинг юксак маданиятли бўлишларини белгиловчи омиллардан биридир.

Қадимдан бу соҳага "Нутқ одоби" номи билан алоҳида эътибор берилган ва содда, ўринли, қисқа ҳамда мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликдан қочиш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост, дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламачиликни қоралаш ва бошқалар маълум бир фан сифатида ўргатиб келинган.

Ҳар биримиз энг аввало, ўз она тилимизни адабий тил қоидалари асосида ўрганишимиз шарт. Бу борада оиланинг, таълим муассасаларининг ўрни бекиёсдир. Мактабда бола шевада гаплашади, ўқитувчи шевада дарс ўтса, уйига келганда ота-она шевада муомала қилса, бола адабий тилни кимдан, қаердан ўрганади?..

Шу маънода таълим муассасаларида она тили фанининг ўрни ва ролини кучайтириш ўзини она тили-жонқуари, деб ҳисобловчи ҳар бир кишининг бурчидир. Шунингдек, оилаларда ҳам ҳар бир киши ўз нутқининг таъсирчан ва намунали бўлиши учун адабий тил меъёрларига алоҳида эътибор бериши лозим.

**Зухра УМАРОВА,**  
Тошкент педагогика  
коллежи ўқитувчиси.

## ТУРАР ЖОЙИ НОМАЪЛУМ БЎЛСА...

Мерос қаерда, қай тартибда очилади? Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, қонунан қандай йўл тутилади?  
Ш.Қодирова.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1116, 1117-моддаларига асосан, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг қазо қилган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарориде бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга қирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Саволга Яшнобод туманидаги  
4-сонли ДНИ нотариуси Ирина ЦОЙ  
жавоб берди.

Саволга Миробод туманидаги  
2-сонли ДНИ нотариуси  
Каромат МАРАҲИМОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусаҳҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Қамола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ойна



## СИМ ҲАЙКАЛЛАР

Америкалик рассом аёл Рут Женсен (Ruth Jensen) эса аслида иқтисодий йўналишда таҳсил олиб, ҳисобчи мутахассислигига эга бўлган ва ушбу соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган. Бироқ унинг қалби бир умр санъатга ошно эди. Бир пайтлар Рут тасвирий санъат йўналишида ўқий бошлаганди. Аммо оила аъзолари бу касб орқали тузук-роқ даромад қилолмайсан, дея уни иккилантириб қўйган. Натижада у таълим йўналишини ўзгартирган.



Бугунги кунда Рут турмуш ўртоғи билан Миннесота штатида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Шу боис эндиликда у ўзининг тасвирий санъат соҳасидаги қобилиятини намойён этишга қарор қилган. Хусусан, ҳайкалтарошликка бўлган қизиқиши Рутни янги-янги ижодий асарлар яратишга ундамоқда. Ҳайкалтарошлик бўлганда ҳам ноодатий услубда. Яъни Рут ўзи ясайдиган ҳайкал ва шакллар учун хом ашё ўрнида зангламайдиган ўртача қаттиқликдаги симлардан фойдаланади. У симларни шу қадар моҳирлик ва эпчиллик билан эшиб, ўраб борадик, маълум фурсат ўтиб, унинг қўлларида қушлар ёки турли ёқимтой жониворлар, ҳатто одамларнинг шакллари пайдо бўлади.



Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 736. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади  
— 4773. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08